



## О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI TOSHKENT SHAHAR HOKIMINING QARORI

20 21 йил “ 5 ” февраль

112 -сон

Toshkent sh.

### Тошкент шаҳрида ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқини энг паст нархини тасдиқлаш тўғрисида

“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 25-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, 9-сон, 320-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 20 декабрдаги 1023-сон қарори билан тасдиқланган “Тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини электрон онлайн-аукцион орқали бериш тартиби тўғрисида”ги Низом (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 2019 йил 21 декабрь) ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 февралдаги 02/1-2631-сон топшириғи ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳар Молия бош бошқармаси, Давлат солиқ бошқармаси ва Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаларининг тавсияларини инобатга олиб,

### Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Тошкент шаҳрида ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқининг энг паст нархи иқтисодий зоналар кесимида 1-иловага, туманлар кесимида 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси (Н.Турсунов) Тошкент шаҳрида ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқининг энг паст нархи тасдиқланган санадан эътиборан бир иш куни ичида “YERELEKTRON” автоматлаштирилган ахборот тизимига киритилиши таъминлансин.

3. Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси (М.Файзуллаев), туман ҳокимликлари:

аукцион орқали реализация қилишга мўлжалланган бўш ер участкаларининг (кейинги ўринларда – ер участкалари деб аталади) рўйхати шакллантирилсин;

ер участкалари бўйича келишилган ёки ижобий хулоса берилган кундан бошлаб беш иш куни ичида ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқининг тасдиқланган энг паст нархи асосида ер участкасининг бошланғич нархини белгиласин.

4. Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси (Н.Турсунов), Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси (М.Файзуллаев), Молия бош бошқармаси (Л.Исматуллаев) Тошкент шаҳрида тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун бўш турган ер участкаларини электрон онлайн-аукцион орқали доимий фойдаланишга бериш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 20 декабрдаги 1023-сон қарори билан тасдиқланган “Тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини электрон онлайн-аукцион орқали бериш тартиби тўғрисида”ги Низом талабларига асосан амалга оширилиши таъминлансин.

5. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш бўлими (А.Ахмаджонов):

мазкур қарор расмий эълон қилиниши ва [www.toshkent.uz](http://www.toshkent.uz) веб-сайтига жойлаштирилиши таъминлансин.

6. Тошкент шаҳар ҳокимининг 2020 йил 11 мартдаги 255-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

8. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Х.Шакиров зиммасига юклатилсин.

Тошкент шаҳар ҳокими



Ж.Артикходжаев

Тошкент шаҳар ҳокимининг  
2021 йил "5" февралдаги  
*112* -сон қарорига  
1-илова

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 20 декабрдаги 1023-сон қарорининг 2-боб, 3-§, 24-бандига асосан  
Тошкент шаҳрида ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқининг минимал қиймати

№	Зоналар*	Юридик шахслардан ундириладиган ер солиғи ставкалари, 1 га учун, сўмда	Мухандислик- коммуникация тармоқларига уланиш нуқталарининг мавжудлиги коэффициенти	Жами	Қўшимча
1	1-зона	208 200 000	100	20 820 000 000	Ер участкасини танлаш материалларини тайёрлаш ишларининг қиймати ва ер участкасига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишга оид харажатлар миқдори **
2	2-зона	166 500 000	100	16 650 000 000	
3	3-зона	124 900 000	100	12 490 000 000	
4	4-зона	83 300 000	100	8 330 000 000	
5	5-зона	41 600 000	100	4 160 000 000	

Изоҳ: \* Тошкент шаҳрида зоналар чегараси Тошкент шаҳар ҳокимининг 2015 йил 24 февралдаги 162-сонли қарорига белгиланган.

\*\* Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси томонидан ер участкасини танлаш материалларини тайёрлаш ишларининг қиймати ва ер участкасига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишга оид харажатларни инобатга олган ҳолда ер участкасининг бошланғич нархини белгилайди.

Тошкент шаҳар ҳокимининг  
2021 йил "5" февралдаги  
*Р.И.* -сон қарорига  
2-илова

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 20 декабрдаги 1023-сон қарорининг 2-боб, 3-§, 24-бандига асосан  
Тошкент шаҳар туманларида ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқининг минимал қиймати

№	Туманлар номи	Зоналар бўйича (1 га учун, сўмда)				
		1-зона	2-зона	3-зона	4-зона	5-зона
1	Бектемир					4 160 000 000
2	Мирзо Улуғбек	20 820 000 000	16 650 000 000	12 490 000 000	8 330 000 000	4 160 000 000
3	Миробод	20 820 000 000	16 650 000 000	12 490 000 000	8 330 000 000	4 160 000 000
4	Олмазор	20 820 000 000	16 650 000 000	12 490 000 000	8 330 000 000	
5	Сергели				8 330 000 000	4 160 000 000
6	Учтепа				8 330 000 000	4 160 000 000
7	Чилонзор	20 820 000 000	16 650 000 000	12 490 000 000	8 330 000 000	
8	Шайхонтохур	20 820 000 000	16 650 000 000	12 490 000 000	8 330 000 000	
9	Юнусобод	20 820 000 000	16 650 000 000	12 490 000 000	8 330 000 000	4 160 000 000
10	Яккасарой	20 820 000 000	16 650 000 000	12 490 000 000	8 330 000 000	
11	Яшнобод	20 820 000 000	16 650 000 000	12 490 000 000	8 330 000 000	4 160 000 000
12	Янгиҳаёт				8 330 000 000	4 160 000 000